



Куръони Каримнинг турли тиллардаги таржималарининг кўрғазмаси Англия шимоли-шаркида жойлашган Хартелпол шахар марказий кутубхонасида бўлиб ўтмоқда.

«peterleemail» ахборот сайти хабар беришича, бу кўрғазма Куръони карим таълимотларини яқиндан таништириш ва бу илохий китоб хақидаги нотўғри гап-сўзлар ва тасавурларни йўқотиш мақсадида ўтказилмоқда. Мазкур кўрғазмада Куръони Каримнинг турли тиллардаги таржималаридан ташқари брилл алифбосида чоп этилган Куръон ҳам намоишга кўйилган. Жорий йилнинг 17 сентябригача давом этадиган ушбу кўрғазма қошида Куръон мусобақаси ҳам ўтказилади ва Куръони Карим таржимаси ҳамда бошқа исломий китоблар бўйича энг зўр асарлар муаллифларига соврин ва мукофотлар тақдим этилади.

Англия Хартелпол масжидининг имом-хатиби Тохир Салбийнинг хабар беришича, бу кўрғазма Куръони Каримга қарши ҳақоратлар ва ҳурматсизликларга жавобан ўтказилмоқда.